

Абдурахим ХОЛДОРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти

АКМАЛИДДИН БОБАРТИЙ ЯШАГАН ДАВРДА ИЖТИМОИЙ- МАДАНИЙ ВАЗИЯТ

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, миллий мафкура яратишда аждодлар меросини ўрганишга, бир неча асрлик бой қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу масала ҳукуматимиз томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аждодларимиз маданий меросини янги принциплар асосида ўрганишга, уларни объектив, илмий тадқиқ этишга имкониятлар яратилди.

Бу борадаги энг муҳим йўналиш – маънавий қадриятларга бўлган ҳар томонлама ижобий муносабатдир. Табиийки, диний қадриятлар ҳам маънавий қадриятларнинг муҳим қисмини ташкил этади. Диний қадриятлар асосини ташкил этган исломнинг назарий масалалари тарихимизнинг турли давларида ижтимоий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига сезиларли таъсир ўтказиб турган. Ислом дини Мовароуннаҳрга кириб кела бошлаган даврдан бошлаб турли диний таълимотлар, калом мактаблари ўлкамизда тарқала бошлади. Улар орасида Абу Ҳанифа асос солган мактаб анъаналари нисбатан халқчиллиги, маҳаллий халқлар маданияти ва урф-одатларига яқин жиҳатлари сабабли кучлироқ мавқега эга бўлди. Бу таълимот Мовароуннаҳрда маҳаллий бой диний-маънавий анъаналар асосида қайта ишлаб чиқилди, бойитилди ва тартибга солинди. Мазкур жараёнга ватанимиздан етишиб чиққан мутакаллим олимларнинг бир неча авлоди ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшдилар. Улар орасида, сўзсиз, ватандошимиз Абу Мансур ал-Моғуридий (ваф. мил. 944 й.) муҳим ўрин тутади.

Миллий ва диний қадриятларимизни ўрганишга кенг имкониятлар яратилаётган бугунги кунда тарихимиз ҳақиқатини ўрганиш ва уни халққа етказиш тадқиқотчилар зиммасига муҳим вазифаларни юкламоқда. Ушбу хайрли ишлардан бири юртимизда минг йиллардан буён эътиқод қилиб келинаётган ислом дини тарихи ва фалсафаси ҳамда шу соҳада салмоқли ижод қилган алломаларимиз ҳаёти ва илмий меросини ўрганишдир.

Биз куйида ўрганмоқчи бўлган шахс “Шарҳ Ақидату-т-Таҳовия” (Ақидату-т-Таҳовия шарҳи) асарининг ва бошқа кўплаб ислом илмларига оид асарлар муаллифи Имом Бобартий (р.а.) бўлиб, у ақоид, фикҳ, ҳадис каби илмларнинг турли соҳалари ривожига катта ҳисса қўшган алломалардан бири ҳисобланади. У зотни тулиқ исмлари Имом Акмалиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бобартий ар-Румий ал-Ҳанафий бўлиб, у фикҳ, усул, ҳадис илмлари бўйича муҳаққиқ уламолардан ҳисобланардилар. Унинг илмий мерослари билан танишиб чиққан кейинги замон олимлари у кишини ҳанафий мазҳабининг охириги муҳаққиқидан эканини ўз китобларида ёзиб қолдирганлар.

У ҳижрий 714/1314 йилда Бағдод ҳудудига қирувчи Бобарт номли жойда туғилган. Диний илмларга оид бошланғич таълимни ўзи яшаб турган жойнинг катта олимларидан ўрганади. Фикҳ илми бўйича замонасининг машҳур олими Қивомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Кокийдан таҳсил олади. Сўнгра, илм талабида Ҳалаб шаҳрига сафар қилади. Бу ерда Имом Бобартийни Қози Носириддин ибн ал-Адим

кутиб олиб, уни катта эҳтиром билан Содиҳийя¹ мадрасасига жойлаштиради. Мадрасада анча муддат бўлиб, бу жойдаги олимлардан катта истифода олади.

740/1340 йилда илм талабида Қоҳира шаҳрига йўл олиб, ўша вақтда ўз замонасининг машҳур олимлари Абу Ҳайён ал-Андалусий, усул илмига оид “Мухтасар ибн Ҳожиб” китобини шориҳи ҳисобланган Абу Сано Шамсиддин ал-Исфакхоний ва бошқа кўплаб устозлардан шариат илмларини мукаммал ўрганди. Қоҳира шаҳрининг амири Сайфиддин Имом Бобартийни шаҳардаги хонақоҳга² бошлиқ қилиб тайинлаб, унга доир барча ишларни у кишига топширади. Имом Бобартий ўз навбатида тасаввуф илмининг етук пешволаридан бўлган.

Акмалиддин Бобартий (р.а.)нинг яшаб ижод қилган вақти (714/1314/786/1384 йй.) Миср мамлуклар султонлиги даврига тўғри келди. Ушбу давлат ҳукмронлиги қарийб икки ярим аср мобайнида давом этган. Мамлуклар даврида ижтимоий ҳолат ва диний кадриятларга ниҳоятда катта аҳамият қаратилган. Ҳозирги кунда замонавий Миср тарихшунослигида Мисрнинг ўрта аср тарихига қизиқиш тобора кучайиб, бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Миср мамлуклар томонидан башқарилган давр бўйича тадқиқотлар олиб борган замонавий араб олимларидан Жиржис Фавзий, Тархон Али Иброҳим, Ашур Абд ал-Фаттоҳ, Моҳид Абдул Мунъим, Ҳасан Али Иброҳим, Ҳаким Абдуссаид, Шайлол Жамолиддин, Муҳаммад Ийнон Муҳаммад, Абдуллоҳ Ваққод Маҳосин Муҳаммад, Ато Муҳаммад Аҳмад ва бошқалар изланишлар олиб борганлар.

1193 йил Салоҳиддин Айюбийнинг вафотидан сўнг, катта мамлакатга ҳукмронлик

қилган ўғиллари ва акаси Одил давлатни ўзаро бўлиб олдилар. Катта ўғил Афзал – Дамашқда, Азиз Мисрда, Зоҳир Ҳалабда ва акаси Одил эса Месопотамияда ҳукмронликни ўз қўлларига олдилар. 1240 йилда мамлуклар Одил II ни тахтдан ағдариб, ўрнига султон Солиҳ Нажмиддин (1240/1249)ни қўйдилар. Янги султон мамлукларни сотиб олиш ва уларга шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратди. Ўрта аср тарихчиси Бадриддин Айний (р.а.) таъкидлашича, Солиҳ Нажмиддин Айюбий мамлуклар сонини шунчалик кўпайтирган эдики, ҳеч бир султон уларни бунчалик йиғмаган эди. У турк мамлукларидан ташкил топган кўшинни Қоҳиранинг жанубий чегараларидаги Ровза³ ҳудудида жойлаштирди ва шу даврдан бошлаб, уларни “**Баҳрий мамлуклар**” деб атаб бошладилар⁴.

Биз тадқиқот олиб бораётган аллома Акмалиддин Бобартий ҳаётининг кўп қисми ушбу ҳукмронлик даврига тўғри келади. Чунки бу даврда Баҳрий мамлуклар илм-маърифатга, мадрасалар қурилиши, йўллар, работлар, кудуқлар қазииш, миллатидан қатъий назар барча эркин фойдаланадиган шифохоналар, турли элатлар орасида тинчлик ва тотувликни таъминлаш мақсаҳида қозилик маҳкамалари, душманларга қарши туриш учун мудофаа ҳолатини кўчайтириш, айниқса, денгиз ҳарбий салоҳиятни ривожлантириш мақсаҳида катта ишларни амалга оширдилар. Баҳрий мамлук подшолари уламолар билан машварат қилар, диний ҳукмлар борасида олимлар билан мажлислар қуришар эди. Султонлар томонидан олимлар катта эҳтиромга сазовор бўлиб, жамиятдаги тинчлик - тотувликни таъминлаш, инсонлардаги илмий салоҳиятни ошишига хизмат қилар эдилар⁵.

Султон Байбарс кўплаб масжидлар, диний ва хайрия муассасалари қурдирди⁶. У таълим масканларининг иҳига қиш ва ёз фаслларида нон ва кийим қўйишга фармон берган. Мамлуклар даврида Қоҳира дунёдаги энг катта шаҳарлардан бири ҳисобланиб, Байбарс даврида 70 минг аҳолиси бор эди. Унинг буйруғи билан

¹ Маҳмуд Шоқир. Салтант ва давлатул Мамолик. – Байрут: Дор ал- кутуб ал- илмия, 2005. – Б. 49.

² “Хонақоҳ” форсча сўз бўлиб, уй деган маънони билдирган. Кейичалик сўфий кишилар ёлғиз қолиб ибодат қилганлари сабабли «суфий киши ҳаммадан ажралиб, ёлғиз ибодат қиладиган жой» деган маънода ишлатилган. Ушбу Хонақоҳ Қоҳира шаҳридаги энг катта хонақоҳлардан бири ҳисобланиб, унга хижрий 756 йилда амир Сайфиддин томонидан асос солинган. Бу хонақоҳда тўрт мазҳаб уламолари учун дарслар ташкил қилинган. Ундан ташқари бу ерда ҳадис илми, Қуръони қарим илмига оид дарслар ўтилган. Ушбу хонақоҳ ҳозир ҳам мавжуд, лекин у фақат намоз ўқиш учунгина хослаб қўйилган.

³ Ровза – луғавий маъноси боғ.

⁴ Бадриддин Айний. Ақдул жамон фи тарихи аҳли замон. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрия. – Б. 35.

⁵ Мамлуклар асри ва султонлиги энциклопедияси. – Б. 35.

⁶ Мақризий. Ас-Сулуқ. Ж .1. – Б. 638.

курдирилган масжид ва масдраса унинг номида бўлиб, ҳозиргача мавжуд⁷.

Султон Қаловун Байбарс вафотидан кейин унинг сиёсатини давом эттириб, Шом мамлакатларидан салбчиларни ҳайдаб чиқарди ва мўғулларга қарши кураш олиб борди. У Мисрда кўпгина мадрасалар, масжидлар, шифохоналар ва улкан иншоотлар, ёдгорликлар бунёд эттирди. Қаловун шифохонаси ҳозиргача сақланиб қолган⁸.

Ушбу даврда қурилган шифохоналар бошқа ҳудудлардагидан анчагина фарқ қилар эди. Чунки Қоҳира шаҳри Баҳрий мамлуклар даврида ҳақиқий илм ва маърифат шаҳри ҳисобланар эди. Шифохоналарда даволанувчиларга жуда ҳам кўплаб шароитлар яратилган эди. Беморларнинг миллатидан қатъи назар уларга катта эътибор берилар, гўзал муносабатда бўлиб, дардларидан фориғ бўлишлари учун бор имконият сарфланар эди. Зеро, бу вақтда Қоҳира шаҳрида тиббиёт илми борасида кўплаб олимлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ушбу шифохоналардан беморларнинг касалликларини даволаш ва уларнинг касалликларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда унга қарши қандай чоралар кўрилиши лозимлигини алоҳида ҳужжатларда қайд қилиб борар эдилар. Бизнинг замонамизда шифохоналар сақланадиган касаллик варақалари ўша даврда пайдо бўлган ва у вақтда касалхонага келган ҳар бир беморнинг қайси дард билан келгани, олдин унга қандай муолажалар қилингани ҳақида батафсил маълумотлар ёзилган⁹.

Рукниддин Байбарс 1306 йилда султонлик даражасига эришгунга қадар хонақоҳнинг ёнига ичкарига кириш учун катта работ курдирган. Унинг ёнида ўзининг дафнига мўлжалланган 1309 йилда битказилган қубба ҳам бор эди. Байбарс келиб чиқишидан қатъи назар ажам ва араб, ёш, ўрта ёш ва қариялардан иборат 400 та сўфийни йикқан. Работда бошпанасиз 100 та фақир, шайх, имом, муаззин, ходим ва эшикбон бўлган. Шунингдек, хонақоҳда китоблар хазиначиси ёки кутубхона кўриқчиси бор

эди. Мамлуклар даврида худди ҳозирдагидек китобларни сақлаб, бир ёки бир неча ойда қайтариб берадиган ва уларнинг ўз вақтида берилиши ва йўқолмаслигига масъул шахс бўлган. Кутубхонада китоблар тартиби ва жамланиши бир хил тизимга солинган¹⁰. Қуръон ўқувчи қори ёки воиз яхши овозга ва қироатга эга бўлиши керак эди. Шунингдек, котиб сўфийлар йўқлигида хонақоҳ хавфсизлигини таъминларди. Хонақоҳларда шакар, шарбат, дори-дармон, шунингдек, сўфийларни даволаш учун каҳҳол (кўз табиби), сувларни алмаштириб турувчи вақкод, фаррош, йиғиб терувчи, сокий бор эди. Хонақоҳдаги бу каби вазифалар билан оддий халқдан чиққан ёшлар машғул бўлардилар¹¹.

Диний ҳаётга келсак, хонақоҳлар ичида ҳар куни шайх ўз жойида, унинг атрофида сўфийлар доира шаклида ўтиришган. Шайх Қуръони каримдан баъзи сураларни ўқиган, унинг орқасидан суфийлар қайтаришган. Сўнг тиловат, истиғфор ва дуо қилиб йиғилишни тугатишган. Қуббадаги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) ҳадисларига оид дарсларда ўқитувчи, бир неча муҳаддис ва баъзи қорилар иштирок этганлар¹². Хонақоҳда ошхона бўлиб, ошпаз суфийлар учун овқат тайёрлаган, меъёрида таом ва унга қўшиб нон берилган. Шунингдек, рамазон ойида, Қурбон ҳайити ва ашуро кунларида ҳар йили хонақоҳ шайхи розилиги билан, ширинликлар тарқатилган. Кунига икки маҳал овқат, қиш ва ёз фаслларида ёпинчик, ойига ҳар бир сўфий учун 2030 дирҳам, ҳар жума куни кийимларини ювиш учун совун ва шакар берилган. Булар уйланмаган сўфийлар учун эди. Уйланганлар хонақоҳда беш вақт намоз ўқишган. Бу ернинг одатига кўра, сўфий махсус жойнамозда ўтирган. Қоҳирага одамлар жума куни “Саъид ас-суъадо” хонақоҳини кўриш учун келишса, намоз ўқиш учун тўғри шу ерга боришган¹³.

Байбарс ўлдирилиб, ҳокимияти тугагач, Амир Носир Муҳаммад ибн Қаловун бу

⁷ Вақкод Маҳосин Муҳаммад. Ат-табокот аш- шаъбийя фил Қоҳира ал-мамлукийя. – Қоҳира. Ал-хайъа мисрия. 1999. – Б. 55.

⁸ Мамлуклар асри ва султонлиги энциклопедияси. – Б. 55.

⁹ Мамлуклар асри ва султонлиги энциклопедияси. – Б. 55.

¹⁰ Амин Муҳаммад Муҳаммад. Ал-авқоф ва-л-хаёт ал-ижтимоийя фий Миср. – Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрийя, 1980. – Б. 255257.

¹¹ Амин Муҳаммад Муҳаммад. Ал-авқоф ва-л-хаёт ал-ижтимоийя фи Миср. – Қоҳира: Ал-хайъа ал-мисрийя, 1980. – Б. 199.

¹² Мақризий. ал- Хутат. Ж.4. – Б.276

¹³ Моҳир Суъад. Масожид Миср. 3 жилдлик.– Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабийя, 3-Жилд. – Б.170.

хонақоҳни йигирма йилга ёпган, 1325 йилда қайта очилган. 1374 йилда Нил сувининг камайиши оқибатида хонақоҳдаги иқтисодий аҳвол ёмонлашиб, ҳар бир суфийга бериладиган пул миқдори ойига етти дирҳамдан тўғри келган¹⁴. Носир Муҳаммад Қоҳира чеккасида “Сир ёқут” хонақоҳини қурдирган. “Сир ёқут” 100 кишига мўлжалланган бўлиб, Мақризийнинг ёзишича, унинг яқинида жума намозини ўқиш учун масжид, ҳаммом ва ошхона мавжуд эди¹⁵. “Жамолия” хонақоҳи Рашид кўчасида жойлашган мамлуклар давридаги энг нодир хонақоҳлардан бўлиб, уни Амир Алоуддин Жамолий 1329 йилда қурдирган ва 1331 йилда вафотидан сўнг, шу ерга дафн этилган¹⁶. Бу ўша вақтдаги мамлуклар томонидан қурилган хонақоҳларнинг энг машҳури бўлган. Бу ерда ханафий мазҳаби толиби илмлари ҳам таълим олганлар.

Муҳаммад ибн Қаловун мактаби ёнидаги Муаззин кўчасида “Зоҳирия” хонақоҳи жойлашган. Уни Султон Зоҳир Барқук 1384 йилда қурдирган, у мадраса деб аталиб, таълим бериш билан бир қаторда ибодат учун ҳам мўлжалланган эди. Султон Барқук хонақоҳга кириш учун хонақоҳ шайхи, тўртта мазҳаб толиблари, муҳаддис, илм изловчилар келиши мумкинлиги, аср намозида Қуръони карим оятларидан ўқиш лозимлиги каби шартларни қўйган. Мамлуклар даври хонақоҳларидан яна бири “Ал-Акмар” жомеъси яқинида жойлашган Нуриддин Али ибн Муҳаммад Маҳосин Шарабиший томонидан қурилган “аш-Шарабишия” хонақоҳидир. Амир Оқбуға томонидан қурилган “Ал-Азҳар” университети яқинидаги “Оқбуғия” мадрасасининг бир қисми бўлган “Оқбуға” хонақоҳи ҳам тасаввуф тарқалишига замин яратган масканлардандир¹⁷.

Миср мамлуклари даврида хонақоҳ, работ ва зовиялар кўп бўлиб, улар тариқат ва мусофирлар учун хизмат қилган. Баъзи шайхлар таъмани ёқтирмасдан, кўплари ҳаттоки, шоҳу амирларнинг тухфасини ҳам қабул қилмаганлар. Бироқ, кейинчалик сўфийлар илгаридай “луқмаи ҳалол” тамойилини саклаган ҳолда,

саховат ва футувват ғоясини ҳам кенг тарғиб қила бошладилар. Бунинг натижасида сўфий жамоалари билан сарой аҳли, ер-мулк эгалари ўртасида яқинлик юзага келди. Энди шайхлар катта-катта тухфаларни ола бошладилар, хонақоҳ, работларга ўтказилган вақф ерлари, молу мулк кўпайди. Бу ҳол шунга олиб келдики, бир томондан текин яшашга ўрганган сохта дарвешларнинг сони кўпайиб, иккинчи томондан мухтож одамларга ёрдам бериш, маърифат ва маънавиятни ривожлантириш учун имконият яратилди. Юқорида санаб ўтилган хонақоҳлар ҳозирги кунда биз тушунадиган фақатгина тасаввуфга доир билимлар таълим олинadиган ёки сўфийлар ёлғиз зикрни ўзи билан шуғулланадиган жой эмас эди. Ушбу жиҳатга катта эътибор билан қараш лозим. Чунки кўпгина адабиётларда хонақоҳ, деганда фақатгина сўфий киши ёлғиз ҳилватда бўлиб ибодат қиладиган жой эмас, балки бошқа диний илмлар ҳам ўрганиладиган жой ҳисобланган. Амир Сайфиддин томонидан чиқарилган буйруққа кўра Акмалиддин Бобартий Қоҳирадаги “Шайхун” хонақоҳига бошлиқ қилиб тайинланди. Ушбу хонақоҳ ва ундан бошқа хонақоҳларда ҳам фикрдан тўрт мазҳаб бўйича, ҳадис, усул, тафсир, ақоид, мантиқ, тасаввуф, балоғат ва бошқа кўплаб диний илмлардан сабоқ берилар эди¹⁸.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Акмалиддин Бобартий яшаган давр Миср Мамлуклари пайтига тўғри келди. Улар илмга катта йўл очиб, ҳомийлик қилгани сабабли мисрда илм гуллаб яшнади. Бу ҳам ўз навбатида Бобартийнинг етук аллома бўлиб, етишида улкан рол ўйнади.

Баҳрий ва Буржий мамлуклар даврида ислом илмлари, маърифат гуллаб яшнагани сабабли ижтимоий соҳада ҳам кўплаб ишлар амалга оширилган эди. Тадқиқотчи уламолар Акмалиддин Бобартийнинг замонасида содир бўлган ҳукмдорлар орасидаги низолар давлатнинг ички салоҳиятига ўз таъсирини ўтказмаган эди. Шу сабабли ҳам ўша вақтда Миср шаҳрига дунёнинг турли бурчакларидан олимлар, толиби илмлар ва бошқа фан соҳиблари ўз илмий салоҳиятларини ошириш учун келганлар, деб ҳисоблайдилар.

¹⁴ Мақризий. ал-хутат. Ж.4. – Б. 277.

¹⁵ Моҳир Су’ад. Масожд Миср. – Қоҳира: Дор ал-фатх, 2005. – Б. 38

¹⁶ Мақризий. ал-Хутат. Ж.4. – Б. 279

¹⁷ Мақризий. ал-Хутат. Ж.4. – Б.225—227

¹⁸ Муҳаммад Ойидий ва Ҳамзатул Бақрий. Шарҳ васият ли Аби Ҳанифа. – Миср: Дор ал-фатх, 2009. – Б. 18.